



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG'OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 6 - Май

9 -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Рахимов Одамбой  
Ахмедовичнинг турар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласида яшовчи фуқаро Рахимов Одамбой Ахмедовичнинг “Тўпчи” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 25 декабрдаги ШЯ-Р-3620-сонли аризасини, “Тўпчи” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 22 декабрдаги 4227-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласида жойлашган 10 (ўн)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 130,77 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 110,25 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 156,10 квадрат метр, қурилиш ости майдони 313,25 квадрат метр, умумий ер майдони 800,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Рахимов Одамбой Ахмедовичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Рахимов Одамбой Ахмедовичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Рахимов Одамбой Ахмедовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**



**Ш.Яхшибаев**